# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ЯНГИ УСЛУБЛАР ОРҚАЛИ ТАЪЛИМ БЕРИШ

***Қуватова Зулайҳо Мақсудовна***
*Андижон шаҳар ХТБга қарашли 54-умум таълим мактаби*
*Бошланғич синф ўқитувчиси*
***Бахрамова Гавхархон Ибрагимжоновна***
*Андижон шаҳар ХТБга қарашли 54-умумтаълим мактаби*
*Бошланғич синф ўқитувчиси*

**Аннотация**: Ушбу мақолада ҳозирги кунда келажаг авлодларимиз бўлмиш ёшларга таълим беришда янги услуб қоидалари ҳақида маълумот берилган. Мактабдаги бошланғич синфларга таълим беришда янги психологик ўйинлар ва янги қоидалар орқали таълим бериш ва уларга дарсни қизиқарли фактлар орқали тушинтириш ҳақида илмий изланишлар олиб борилган.

**Калит сўзлар**: бишланғич синф, ёшлар, таълим, фанлар, психология.

Ўзбекистонинг мустақилликка юз тутиши мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий хаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш кераклигини тақазо этади. Биринчи президентимиз И.А.Каримовнинг: «Она тилининг буюк аҳа мяти шундаки, у маънавий белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради».... деб айтган гаплари маънавий турмуш тарзини ўзгартиришда халқимиз учун дарстурлама бўлиб хизмат қилмоқда. Мустақил Ўзбекистонда миллий мафкуранинг яратишда таълим-тарбиянинг бўлими мактаблар, лицей ва коллежларнинг аҳамяти каттадир. Мактаб ва лицейларда таълим тарбия жараёнини шаклантириш, самарадор усулари орқали ўқувчиларга сингдириш Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ги Қонуннинг асосий йўналишидир. Унда ўқитишнинг илғор шакллари ва янги техналогияларини таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўкув жараёнига жорий этиш" асосий масалалардан бири экани таъкидланади.. Таълим бериш янги,самарадор, такомилашган усул ва технологияларни яратиш, уни тажрибада синаш ва шу жараёнида янада мукаммаллашган йўналишини хосил қилишдан иборат бўлиб мукаммал дастур, такомилашган дарслик, замонавий усул ва технологиялар таълим жараёнини тўғри йўлга қўйишга тасир этади

Таълим - тарбия жараёнида асосан ўқувчиларда таълим олиш мотивларини, уларни тури йўланишлардаги қобилият ва қизиқишларини оширадиган, бирор касбга мойилликларини кўрсатадиган, интерфаолликкка асосланган дидактик ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Интерфаол ўйинлар назарий,

амалий, жисмоний, ролли, ишчанлик ва бошқа йўналишдаги турларга ажратилади.

Бошланғич синфларда гуруҳлаштирилаган она тили таълими ўқувчиларнинг мустақил, танқидий ҳолда мантиқий фикрлаш кўникмаларини шакилантириш ва ривожлантишни ўз фикрларини мустақил баён қила олиш, эгаллаган билимларини ижтимоий фаолиятларда қўллаш ҳамда таълимнинг иккинчи босқичида ўқишни давом этириш учун зарурий таёргарлик даражасини таъминлашга хизмат қилади

Замоновий таълим йўналишларини ўз ичида акс эттирган яна бир шакл – ўйинли технологиялардир. зйин болаларнинг шахсий хулқ – атворига ташқи кузатувчи, характерлантиривчи куч сифатида таъсир кўрсатиб, ўйин усуллари ёрдамида олию борилган машғулотлар олаларга бошланғич таълим методикаси фанини ўзлаштириш билан биргаликда касбий меҳнатнинг мазмунини очиб боришга рдам беради. Ўйиннинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида инсоннинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатларини санаб ўтиш мумкин. Ўқувчилар ёрдамида муаллиф билан биргаликда қуйидаги ўйин типлари ишлаб чиқилади: - предметли – тасвирий ўйинлар; - борлиқ ҳақидаги тушунчаларни кенгайтиришга мўлжалланган ўйинлар; - бадиий ўйинлар; - ижодий ўйинлар. Тавсия қилинаётган ўйин технологияларнинг янгилиги уларнинг бадиий – тимсоли хусусиятга эгалиги, унда графикавий фаолиятнинг интеграциялашуви, дарс жараёнининг эмоционал мазмунига энг бўлиш, ижодий ҳамкорлик учун замин яратиш, ўзаро муносабатлар каби омилларга асосланганлигидир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Й.Расулова, О.Нурматова “Педагогика” ўқув қўлланма / ─Т.Адабиёт учқунлари
2. “КУГларда таълим-тарбия ишлари назарияси ва методикаси” ўқув қўлланма/ Н.Насритдинова, Д.Мақсудова─Т.
3. “Бошланғич таълим ва жисмоний маданият йўналишида сифат ва самарадорликни ошириш: муаммо ва ечимлар” халқаро илмий конференсиялар мақолалар тўплами─Т.